



ТАҒИН РАИС БЎЛИШГА ТОВАРЛАРИ ҚАЛАЙ?

Дастлабки тафтиш чоғи ва ундан кейин ҳам қабул учун масъул ходимлар 620 тонна "пахта"дан беҳабарлигини айтдилар ва буни ҳужжат-далиллар билан исботлаб бердилар. Аммо, бироқ содир бўлган ва унинг ижросини аниқлаш керак эди: биров илтимос қилмаса ҳам парадга кўмондонлик қилган А. Ахмадов ўз ихтиёри билан 620 тонна "пахта"ни бўйнига олди — бунга ҳамма ҳайрон қолди ва "Э, қойил, ош бўлсин!" деб юборди.

2 -бет

ЛИВАН ОСМОНИДА ҚОРА ТУТУНЛАР

Бу борада ташқи сиёсатида Исроилни дастлаш очик кўринадиган Вашингтоннинг муносабати аниқроқ. Америка президенти Жорж Буш ўз қишида "Ҳизбаллох" гуруҳининг ҳужуми ҳамда гаров ҳолисаси қаттиқ қоралади ва инсоф юзасидан Ливандаги вазиятдан хавотирдан эканини ҳам билдириб ўтди. Оқ уй етакчисининг хулоса ўрнида Исроилга берган тавсияси ажойиб бўлди: "Тухумни шундай қовуриш зарурки, тухум синмасин" деган образли ифода билан президент асосий мудоғони баён қилди-қўйди...

3 -бет

ФАҚАТ ҚОЙДАНИ ДЕБ

Уйингизга тўртта кўшни кириб ўзининг (ўринли-ноўрин бўлишидан қатъи назар) бўлар-бўлмас, энгил-елли гаплари, тутуни йўқ хатти-ҳаракатлари, қурақда турмайдиган саргузаштларини гапириб берса ва сиз уни қозғога тушириб Академик театрга олиб борсангиз, бинойидек комедияга таг-замин бўлар ва уни ярим йил мобайнида сурункасига (айрим кунлари 2-3 марта) намойиш этиб, театр ҳам молиявий жиҳатдан анча оёққа туриб олар экан.

4 -бет

O'zingni anglab yeti

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 28 (490) 2006-yil 19-iyul

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обунани йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Олий журналистика курслари: бир йиллик натижа ва хулосалар, янгилар...



Бундан роппа-роса бир йил олдин мамлакатимизнинг пешкада олий ўқув юртиларидан бири — **Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети тарихида олий журналистика курсларига асос солинган эди.** Мазкур курслар юртимиз олий таълим тарихида илк марта ба таълим ахшамиятидир. Кўз очиб юмгунча олий журналистика курсларига ўқишга кирган талабалар биринчи курсни тамомлашди ва янги ўқув йили учун қабул ҳам бошланди.

Айни пайтда вилоят ва туман газеталарида кадрлар таъқилиги муаммоси мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, ҳозирда юртимиз ОАВда асли мутахассислиги журналист бўлмаган кўплаб ходимлар ишлаётганини кузатишимиз мумкин. Улар ижодий фаолият билан шуғулланиши, турли жанрларда материаллар тайёрлаши мумкин. Бироқ журналистика фақат ижодий жараён эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Журналистиканинг ОАВ назарияси ва қонуничилиги каби муҳим жиҳатлари мавжуд. Боз устига, сўнгги пайтларда журналистиканинг оммавий алоқалар, Интернет каби йўналишлари ҳам жадвал ривожланиб бормоқда, тараққийётган бундай тезкор суръати ОАВда фаолият юри-таётган бошқа иxtисослашган кадрларни қайта тайёрлаш масаласини кун тартибига чиқармоқда. Бу ҳам олий журналистика курсларини ташкил этишга ундаган омиллардан бири.

Юртимиз барча соҳалар қатори журналистик таълим борасида ҳам фаол ҳаёткорлик қилиб келаётган Россияда икки йиллик курслар бундан 30 йил олдин — 1976 йили очилган эди. — **Олий журналистика курслари талабалари биринчи курсни якунлаб, дастлабки доводдан ҳам ошди.** Утган бир йилдан чиқарилган хулоса қандай: талабалар ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашптими? — Фикримча, талабаларга ижодий ёки салбий баҳо беришга ҳали биров эрта. Негиз деганда, курс тингловчилари олий таълимнинг асосий қисмида, барибир уларнинг журналистика бўйича таъриба ва билимлари етарли, деб бўлмайди. Айтиш мумкинки, улар бугун илк ижодий қадамларни ташлашди. Дастлабки қадамлар, назаримда, ёмон эмас.

Ихтисослашув ҳақида кўп ва хўб гапирилатгани беҳиз эмас. Айни пайтда ривожланган давлатлар журналистикага назар солса, ҳорж ОАВда фақат маълум мавзу ва йўналишда иxtисослашган журналистлар ишлаётганини кузатишимиз мумкин. Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бугун жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг миқёсдаги илохот-лар кечаётган мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари учун маълум соҳа сир-синаотларини чуқур ўрганган, иxtисослашган журналистлар жудаям зарур. Олий журналистика курслари энг аввало ана шу масала — иxtисослашган журналист кадрларни тайёрлаш муаммоси ечимига хизмат қилади. Охириги йилларда мамлакатимиз ОАВда катта янгиланишлар юз берди. Бироқ барибир журналистиканинг олдда ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар ҳам турганини эътиборга олиш зарур.

— **Юртимизда иxtисослашув хориж ОАВда бирламчи ўрин тутишни таъқидлашди.** Ривожланган давлатларнинг олий журналистика курслари борасида таъриба қандай? — Олий журналистика курсини ташкил этиш жараёнида дунёнинг илгор давлатлари таъриба ҳамда муваффақиятлари ўрганилган ва инобатга олинган. Бугунги кунда Франция, Германия ва яна бир қатор ривожланган давлатларда олий журналистика мактаблари фаолият юритмоқда. Турли таълим масаласлари турлича номланиши мумкин. Бироқ у журналистика мактаби деб аталадими ёки журналистика курси деб номланадими, унда энг аввало иxtисослашган журналистлар тайёрланади.

Курс тингловчиларининг чуқур ва муқамал билим бериши кўлаб махсус таълим дастури ишлаб чиқилган. Ана шу дастур доирасида тингловчилар ОАВ назарияси ва амалиёти, қонуничилиги, жамоатчилик билан ишлаш, ахборот коммуникацион технологиялар ва Интернет каби йўналишлар, шунингдек, махсус курслар бўйича таҳсил оломоқдалар. Таълим жараёнига мамлакатимизнинг таниқли журналистлари, эл ардоғидиган ижодкорлар — ўз соҳасининг моҳир усталари жалб этилган. Бу йилдан бошлаб эса иккинчи курслар учун иxtисослашган бўйича маҳорат мактаблари ташкил этилмоқчимиз (Ҳозирда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибеовнинг маҳорат мактабида тингловчилар ижод

«ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлиши она Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида қузатилаётган хурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий "ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ" республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади. Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим: **Мустақиллик, Озодлик ва Ватан** каби муқаддас тушунчаларнинг талқини. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги илохотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар. Миллий истиклол мафкура-сининг шаклланиши. Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат. Миллий гурур, азалий ва умум-башарий қадриятлар. Кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида қузатилаётган хурлик ўзгаришлари. Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчанлик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси. Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари. Буюк истиклол туғайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар қўлами. Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган голиблар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида муқофотланади ва матбуотда эълон қилинади. Танлов голибларини қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Ижодий ишлар "ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ" республика кўрик-танлови"га деб қўрсатилган ҳолда икки нусхада 2006 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-64-62

www.hurriyat.uz

энди «Hurriyat»ни Интернетда ҳам ўқиш мумкин

Бугун жамият ҳаёти, хусусан, ОАВ фаолиятини Интернетда тасаввур қилиш қийин. Ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, «Hurriyat» газетаси халқаро компьютер тармоғида ўз сайтини очди. Газетамиз веб-сайти «Ижтимоий-сиёсий ҳаёт», «Муаммо ва танқид», «Хўқук», «Халқаро воқеалар», «Журналистика», «Бешиччи уммон», «Карикатура», «Фойдали сайтлар» каби бўлимлардан ташкил топган. Яқин кунларда www.hurriyat.uz сайтида форум ҳам ишга тушади.

Энди газетанда эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, бу ёруғ оламнинг турфа сир-синаотларига бағишланган қизиқарли маълумотлар, халқаро шарҳлар, машхурлар билан суҳбатлар, киксиси, Сизга маълум ва манзур бўладиган материалларни халқаро компьютер тармоғиди www.hurriyat.uz манзилда ўқишиниз мумкин.

Жавоб

КАТТИК ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

энди ҳар бир кўшиқни бадий кенгаш кўриб чиқади

"Hurriyat" газетасининг шу йил 5 июль сонида эълон қилинган «Кўшиқчиликми ё лўттивозлик?...» (Алижон Шубо) мақоласи "Ўзбекинаво" эстрада бирламчиси қошиқда ижодий қўмақлашувчи вакиллар гуруҳи кенгашига атрафлича муҳокама қилинди. Мақолада жуда долзарб масала кўтарилгани, ижрочиларнинг кўшиқ матнлари тўғри танқид остига олинганлиги таъқидланди. Мақолада номлари зикр этилган барча хонандалар асосан кўшиқ матнларини ўзлари ёзганликлари ва бадий кенгашдан ўтказмаганликлари тани олишти.

Бундан кейин ҳар бир яратилган янги кўшиқни кенгаш муҳокамасига қўймаддан ижро этишга йўл қўймаслик қоратдирилди ишлаб чиқилди. Хонандалар каттиқ огоҳлантирилди. Хонандалар репертуарларининг таҳлили бўйича бирламша репертуар ва назорат бошқармаси бошлиғи И. Худойбердиев ва Д. Аҳмедовлар каттиқ огоҳлантирилди.

Шу билан биргаликда эслатиб ўтмоқчимизки, амалда хонандалар лицензия олишда маълум қўшиқларни (4-10 та) кенгашга тақдим этишда ва Кенгаш қарорига асосан реинтиги аниқланиб лицензия берилади. Вақт ўтиши билан янги кўшиқлар ижод қилишда ва уларни кенгашга тақдим этмасдан тўғридан тўғри телерадиоэшиштиришларга олиб боришда ва эфирга узатилади.

Шунинг учун махсус рўхсатнома (лицензия)сиз йўқ хонандаларнинг телерадиоэшиштиришларда эфирга узатмаслик бўйича телерадиокомпания каналларига хат жўнатилди, ҳар олий мониторинг ташкил этилди. Хонандаларнинг бастакорлар, шоирлар, оранжировкачилар билан ижодий ҳамкорлиги масалалари ахволи, телерадиоэшиштириш олий мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, айбдорларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўриш масалалари муҳокама қилинди ва амалдаги ижроси бўйича аниқ режалар белгиланди.

Ю. НАРБУТАЕВ,
"Ўзбекинаво" эстрада бирламчиси
бош директор ўринбосари

Муаммо

Фаргона водийси — Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган гўшаси. Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларининг ери Республика ҳудудининг атиги 4,2 фоизини ташкил этади, аммо бу ерда мамлакатнинг қарийб 30 фоиз аҳолиси яшайди. Бу 7-8 миллион одам дегам.

Ҳозирги замонда нима қиммат — йўлқира қиммат. Тошкентдан Андижонга самолётда қатнашга ҳаммининг ҳам имкони етмайди. Шунинг учун самолётда асосан давлат газнасига хизмат сафарига чиққанлар ва бизнесменлар қатнайди.

Мавсум чоғида поезд қатнайдиған бўлиб қолса, чиқишга одамларнинг юраги безилди... Дегам, ягона йўл — Камчиқ довоми орқали машиналарда қатнашга бўлиб қолади. "Нексия", "Дамас", "Тико" каби замонавий энгил машиналар ҳозир водийнинг ҳар бир шаҳру қишлоғидан Тошкентга келиб кетаяпти. Довон йўли эса етарли даражада кенг, деярли барча участкалар раван, силлик, Шунинг учун ҳам кўпгина ёш, юраги қайнаган ҳайдовчилар текис жойда машинани соатига 170-180 км.гача учириб ҳайдайди. Бу йўлда азалдан қатнаб келиб қайрилиб кетган "лаҳан" шобфалар ҳам улардан қолдиқмасликка ҳаракат қилади. Оқибат, Корасуларда "товар" олиб, машина юкюнасини йўл тўлдирган, йўлдаги текширувчиларга инсоф тилаб, радди бало дуолари билангина ўқишга тараддулланган "тадбиркор"ларнинг тили бунча зўр тезликда дуо тугул, ҳатто калимага ҳам келмай қолади.

Афсус, қаровнинг йўлида хатар бўлмай иложи йўқ экан, умр йўли шу йўлда поёнига етиб, тили ҳақиқатан ҳам бир оғиз калимани шохдотга улгурмай омонатини топшираётганлар ҳам оз бўлмаяпти. Тошкентдан Андижонга қадар бўлган бу гавжум транссинан ҳар ер-ҳар ерида аварияга учраб, йўл четига чиқариб қўйилган, "қуриб, иборат олсин" дегандай текширув постига оқибди қўйилган абаж машиналарнинг ҳар қайта аниқлирига дуч келиш мумкин.

Такор айтамыз: йўл раван, жуда кўп қисмида куча ўртасига бетон тўсиқлар қўйилиб, қарама-қарши томондан келаётган машиналар ўзаро тўқнашиб кетишининг олди олинган ҳам. Аммо автофалокатлар ҳамон юз бериб турибди. Негакки, бу фалокатларга йўл эмас, тезлик ҳаддан ташқари юкорлиги сабаб бўляпти. Негакки, Республика пойтахтига, бошқа вилоятларга юмуш билан ҳар кун водийдан ўн минглаб одам йўл олади. Йўл ниҳоятда гавжум, тезроқ етайин деб "от қамчилганлар" бисёр.

Асосан бойваччаларга тегишли бўлган машиналарни ижарага олган, отини қалласидай "аренда пули"ни ҳафтама-ҳафта тўлайман, қолаверса бола-чақанинг тишига босгудай бир даромад ҳам топаман деб чоғланган кирақашлар тезроқ Тошкентга бориб қайтишга ҳаракат қилади, бунинг учун соатига қандай 150 км. тезликка қўйиб ҳайдайди, етиб борган, бошқа ҳамқабилари билан пасажир талашади, суткалаб уламали, рул ҳам барибани айлантиради. Ҳар кун турфа фелъаторли "пассажир"лар кўнглига йўл топиш, бирон ўн беш-йигирма жойга қўйилган "п" - "т"ларда қўр тўкиб ўтирган формали акалар билан "муомала" қилиш ва энг чатоғи — кунга уёқча беш юз, қайтишга ҳам шунча, жами минг километри йўл юриш... ишонинг, ҳар қандай алпомши йигитни ҳам бир-икки йил ичидек ҳолдан тойдирайди! Боғия "пост"ларнинг биронтасида "манов автоомбил" (ёки бу ҳайдовчи) боз шу йўлдан у томонга ўтган эди, энди эса бу ёққа йўл олибди. Бунча

ВОДИЙГА АВТОБУС ҚЎЙИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

ҳатто айрим мутахассислар ҳам Камчиқ довоми бугун автобуслар қатнашига бемалол жавоб бера олади дейишмоқда

чи бир кеча-кўнгузда 500 км.дан ортиқ йўл босиши мумкин эмас деган мазда мунча ишлаб чиқилса ва шу қондага амал қилиш механизми тайёрланади, ёмон бўлмас эди. Меннинг ўзим яқинда Хўжабоддаги ДАН пости олдига йиқитириб қўйилган бетонга бир "Нексия" келиб қарсиллаб ўрилганини кўрдим. Эрталаб соат 10 лар чамаси эди. Машина тамом бўлди, ичидигалар ҳайтовур тирик қолди, аммо бир ёш йигит уша бевон ёнида қай бир иш билан ивириб юрган экан, бетон билан машина орасида қолиб, ноубуд бўлди. Асосий сабаб — туни билан йўл босган ҳайдовчи бу маҳал ухлаб қолган экан...



Албатта, камини бир оқдий йўловчи, автоомбилу йўл ҳақида махсус билимга эга эмасман, юз бераётган фалокатга ҳалокатлар микдори ҳақида ҳам аниқ рақамларни келтира олайман. Аммо неча йиллар давомида ой сайин, гоҳо ой оралатиб Андижонга Ушга қатнар эканман, ойналарни тирқириб сочилиб, тунукларни эзиллиб, қуруқ скелети кўришиб қолган машиналарга, ҳалок бўлган, устига бирон латта ёпиб қўйилган йўловчиларга кўзим кўп тушган. Ҳайдовчиларнинг "бу ҳали ҳолва, кеча фалон жойда, мунча одам..." деган ҳўқоқларининг "чу, саногий йўқ.

Бу муаммонинг бир ишқал жиҳати. Иккинчи ёқдан, моддий масала ҳам бор, албатта. Чўнчун, бензиннинг нархи юз сўнча ошувди ҳамки, Андижонга бориш йўлираси беш мингдан саккиз-тўққиз миңга кўтарилди-қолди. Бизнинг "саботгаз" ҳайдовчиларимизнинг фелъди шунақаси, ҳар байрам ёки ҳайит арафасида ота-онасини кўриш ёки шешларининг арвоқини йўқлаш, фотиха ўқиш учун борадиганлар қўлаишини муносабат билан бир томон йўлирасининг ўзиёқ 30-35 миң сўмга кўтарилиб кетади.

Бунга бирон чора топиш лозим. Токи, айтилик, ҳар ўн миңг нафар йўловчи хиссасига дуч келадиган фалокатлар сонни камайтириш, йўлқира нархини ўйлаб, одамлар бир-бирининг дийдоридан бенабис бўлмасин ва зарур юмушдан қолмасин. Масалан, Анди-

жон билан Тошкентнинг ораси 400 км. бўлса, бориш-келиш йўлираси ҳам, оралиги қарийб шунача бўлган Тошкент — Каттақўрғон йўлирасидан ортиқ бўлмаслигига эришиш керак. Нима ўнчун йўловчилар бир умр тақсида юришга маҳдум бўлиши керак экан? Хозир Камчиқ йўлидан энгил ва юк авто-

буслари юради. Автобуслар ва микроавтобусларга қатнов таъқидланган. Албатта, бу қарорга йўловчилар бехатар йўл юрсин, катта фалокатлар юз бермасин, деган ниъатда келинган бўлса керак. Лекин, "бу йўлнинг фалон қисмида қиялик мунча даражада, бинобир йўл автобус қатновини йўлга қўйиш таъқидланади", дегандай техник жиҳатдан асосланган, дунё миқёсида эътироф этиладиган бирон бир далил-сабаб келтирилиши керак.

Биз ушбу йўлда автобус қатновларини йўлга қўйиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Бу техниквий жиҳатдан бемалол мумкин, ижтимоий нуқтаи назардан эса ниҳоятда зарур. Чўнки илгариги довоми йўли билан хозирги си орасидаги фарқ — ер билан омонча. Аввали йўл жуда тор, ўта хавфли, ўнқир-чўнқир бўларди. Бурилишларнинг кескинлиги, нақ қояшлар тағидан ўтадиган қалтис жойларнинг қўпчилиги, гоҳо шў ўзанига тушиб, шалдиратиб шағал кечиб ўтишлар ҳозир батамом йўққа чиққан, тоғнинг қир учидидаги асфальт йўл уша омонланиб жойида қолиб, эндиликда даранинг нақ кўксидан ўйиб қирилган кенг; ёруғ туннеллар оралиб ўтиб бора-сиз. Бу — биринчидан.

Иккинчидан эса, бизга олаш ва яқин талай давлатларда шунақа ваҳимали тоғ йўллари борки, у доволлар олдида бизнинг Камчиқ жўн бир тепаликга ўхшайди. Аммо ана уша йўлларда ҳам автобус қатнови йўлга қўйилган — кенчаю кундуз, қишин-ёзин юради. Ва ниҳоят учинчидан, хозирги автобуслар бундан ўттиз-қирқ йил аввалги салга мотори қизиб, суви қайнаб кетадиган "қўқонарава"лар эмас. Замонавий автобус ва микроавто-

Р.С. Афтидан, автобус қатнови ҳанузгача йўлга қўйилмаётганининг тағин бир сабаби ҳам бордир. Дейлик, ҳар дақиқада бу йўлдан ўтга энгил машина ўтар бўлса, қўпнинг ҳайдовчиси (ёки "чўк" эгаси) постда "хизмат"да турган ака билан албатта кўл олишиб салом бериб ўтади. Энди, ўзингиз ўйланг: уларнинг ўрнига бир каттакан автобус ўтсин-да, фақат ҳайдовчи салом-алиқ қилсин! Қай-синининг савоби кўпроқ? Албатта, ўн нафар одамнинг қўлини олиб қўришмоқ ўрни бўлак-да! Унинг файзу баракаси бошқача-да!

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

✓ Дараклар

**ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ
САМОВИЙ ЖИСМ ТУШГАН КЎЛНИ
АНИКЛАШДИ**

«Успорт текислигининг фазодан бундан 20 йилча илгари олинган суратларини ўрганиш чоғида тухумсимон тушдаги Курук кўlining самовий энг шимолий натижасида ҳосил бўлган, деган тахминларни ўзбек олимлари исбот қилиш арафасида», деб хабар беради REGNUM ахборот агентлиги. «Бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотлар айнан шу ерга бундан тахминан 10 йил аввал йирек метеорит тушганини тасдиқлаётган», деган Давлат Геология қўмитаси илмий ходими Алексей Глух агентлик мухбирига.

Унга кўра метеорит шимолий-ғарб томондан унган ва Ўзбекистоннинг энг шимолий минтақаси Устюртга тушган ва зарб оқибатида ерга боғлиқ кетган. Алексей Глух вертолётда метеорит тушган деб тахмин қилинаётган жойнинг бир қанча суратлари олинганини таъкидлаган. Илмий ходим мазкур усуллардан ташқари бошқа замонавий усуллар ҳам худудни тадқиқ қилишда қўланаётганини айтган. Олим Курук кўlining 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси жўрғофий ёдгорликлари қаторига қўшилганини эътироф этган. «1985 йилда илгари сурилган фаразнинг бугунга келиб анча равшанлашганини айтиш жоиз ва энг замонавий текшириш ҳамда тадқиқот услублари ёрдамида метеоритнинг тушганини тасдиқлаш яқин келажақнинг иши эканига шубҳа қилмас ҳам бўлади», деган олим.

**Г8 САММИТИ: 12 ХУЖЖАТ
ИМЗОЛАНДИ**

Ўтган дам олиш кунини Санкт-Петербургда шундоқ ёнбошидаги Стрельна шаҳарчасида Россия раислик қилаётган «Катта саккизлик»нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.

Г8 саммитида АҚШ президенти Жорж Буш, Франция рахбари Жак Ширак, Буюк Британия бош вазири Тони Блэр, Германия канцлери Ангела Меркел, Канада бош вазири Стивен Харпер, Италия ҳукумати раиси Романо Проди, Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми ва Россия рахбари Владимир Путин иштирок этди.

Яқшанба кунини 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ҳужжатлар орасида «Глобал энергетик хавфсизлик», «ХХI асрда инновацион жамиятлар учун таълим», «Юқумли касалликларга қарши кураш», «Савдо», «Интеллектуал қароқчилик ва контрафакт маҳсулотларига қарши кураш», «Африка билан ишлаш» каби ҳужжатлар бор. Шунингдек, Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятга доир баёнот ҳам қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари саммитнинг терроризмга қарши кураш ва Г8нинг БМТ томонидан қабул қилинган терроризмга қарши кураш дастурини мустаҳкамлашга оид ҳужжатини ҳам имзоладилар.

✓ Йил

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ШИФОКОР

Яқинда устозимнинг соғлиги биров ёмонлашиб, шифохонада операция қилинишига тўғри келди. Шу боис Тошкент шаҳар 1-шифохона, 3-жаррохлик бўлими мудирини олий тоифали жаррох Маъмуржон Нурмухаммедовнинг маслаҳатлари билан ушбу бўлим операция столига ётқизилди. Устозимга оила аъзолари ва барча яқинлари руҳий қувват ҳамда сабр-тоқат тилашди. Маъмуржон Нурмухаммедов беморини уринтирмай операцияни тез ва энгил, маҳорат билан амалга оширди. Бу жараён қанчалик энгил кечганига устозимнинг тезда соғайиб кетгани далолатидир.

Қаҳрамонимиз 1975 йили Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаб, Гулистон шаҳрида интернатурада ишни бошлади. Кейин Шимолий Кавказ округида ҳарбий хизматда бўлди. 1978 йилдан эса 1-шаҳар шифохонасида ординатор, бош шифокор муовини, бўлим мудирини лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Албатта, олий тоифали жаррох бўлиш ўзига хос юксак илм ва амалий тиббиёт тажрибасини талаб қилади. Бу борада Маъмуржон Нурмухаммедов илмий излашди, жаррохлик тажрибасида ўрганган замонавий даволаш усулларини амалиётда қўллади. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси жаррохлик кафедраси мудирини профессор Альберт Эрвандович Аталиев ҳамкорлигида турли илмий жаррохлик операцияларини Маъмуржон ака ўз бўлимида амалиётга татбиқ этмоқда.

3-жаррохлик бўлимида 16 та тиббий ходим бўлиб, улар ўз вақтида шу бўлимда малакаларини ошириб боришмоқда. Шунингдек, Маъмуржон аканинг устози 1-шаҳар шифохонаси бош шифокори Саломатлик Бахриддинов бўлимини таъмирлаш, замонавий тиббиёт аппаратуралари билан жиҳозлаш ва беморларга юксак тиббий хизмат кўрсатишда ўз ёрдамини аямой келмоқда.

Мазкур шифохона 3-жаррохлик бўлимида, асосан, қорин олд девори, жигар ўт қопи, қорин бўлиғи кисталари, оқма яралар, чурралар, жигар эноктоклари каби касалликлар операцияси тезкор ва режалар тарзда амалга оширилади.

Бўлим мудирининг таъкидлашича, бир йил давомида турли хасталиклар билан мурожаат қилаётган беморлар сонини 300 тани ташкил этар экан. Албатта, беморларнинг хасталиклари операция орқали бартараф этишда қўли энгил жаррох Маъмуржон Нурмухаммедовнинг хизмати беқувватдир. Беморлар томонидан ёзилган раҳматнома дафтарини аражага назарда тутиб Тошкент шаҳридан, Балки республика-мизнинг барча вилоятларидан, қолаверса, қўшни республикалардан ҳам хаста дилларнинг шифо тоғланлиғига амин бўлишди. Жумладан, Х. Раҳимовнинг сўзи шундай: «Шифокорнинг қўли энгиллиги ва хушмуомалалиги, қолаверса, юксак жаррохлик маҳорати мени ҳаётга қайтарди, болаларим бағрига соғ-омон топширди. Мен бу инсоннинг ишчилигини бир умр ёда олиб юраман». Шунингдек, Қозғистоннинг Чимкент вилоятидан Фуломова Бибираҳима ва Нурзаметов Камолдидинлар ҳам жаррох Маъмуржон аканинг операциясида шифо топиб, ўз миннатдорчилигини самимий изҳор этишган.

Тадрибли жаррох Маъмуржон Нурмухаммедовнинг шогирдлари ҳам бисёр. Улар, 1-шаҳар шифохонаси бош шифокор муовини Рустам Нурходжаев, жаррох Акмал Бобожон, ординатор Усмон Камолов, тиббиёт фанлари номзоди Абдуразақ Қосимовлардир.

«Хомийлик инсоннинг жамиятга ўрни ва истикболли келажигида унинг оиласи муҳим ўрин тутаети. Шифокор Маъмуржон Нурмухаммедовнинг оиласини шифокорлар оиласи десак, асло муволажа бўлмас. Турмуш ўрғони Лола она акушер-гинеколог, бош фарзанди Дилноза терапевт, Гулноза Тошкент тиббиёт академияси талабаси, ўғли Сардор фармацевт-менежер, кенжаси Жаводт эса мактабда тахсил олади.

Камтарин ва ширин сўз жаррох Маъмуржон акага оилавий бахт-саодат тиланган ҳолда, доимо дардмандинлар дарди-га шифо улашиб юринг, деймиз.

Бахтиёр ЭРГАШЕВ

УКРАИНАДА НИМА ГАП?

Украина компартияси ва Олий Рададаги коммунистлар фракциясининг раҳбари Пётр Симоненко «Наша Украина» ва Юлия Тимошенко блоку тузган Ақсилкироз иттифоқи фаолиятини тан олгани ҳақида баёнот берди.

Симоненконинг сўзларига кўра, бир неча кун давом этган қизғин баҳс ва музокара-лардан кейин фракция аъзоларидан иборат келишув гуруҳи тузилган ва унга Рада спикери муовини Адами Мартиноук раҳбар этиб тайинланган. Гуруҳ парламентдаги қўмиталарни тақсимлаш ишини мувофиқлаштирди.

Коммунистлар раҳбари иттифоққа кирмаган фракциялар ихтиёрига парламентдаги 11 қўмита қолдирилгани ҳам билдирди. «Наша Украина» етакчиси Роман Бессмертний эса иттифоқ ва мухолифат учун парламента умум овоз бериш усули тақлиф этилишини билдирган.

Едингизда бўлса, тузилмаек тарқатилган «зарғалдоқ иттифоқ» муҳолифатга ҳеч қандай қўмита беришни ёқмаган эди.

Киев сиёсий тадқиқотлар ва муаммолар маркази ўтказган ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 38 фоизи ақсилкироз иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаган.

Сўров қатнашчиларининг 8 фоизи Минтақалар партияси, Украина социалистлар ва «Наша Украина» партиялари иштирокида «катта иттифоқ» тузилишини маъқуллаган бўлса, 29 фоиз респондент Юлия Тимошенко блоку, Украина социалистлар партияси иштирокида «демократик иттифоқ», 37 фоиз иштироки эса Минтақалар партияси, Социалистлар ва коммунистлар ҳамкорлигида «ақсилкироз иттифоқ» ташкил этилишини маъқуллаган.

**ХИНД ОКЕАНИ
ТИНЧИМАЙДИГАН КЎРИНАДИ**

Душанба кунини Хинд океанининг Индонезия қирғоқларига яқин ҳудудида Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балли зилзила рўй берди. Офат натижасида мамлакатнинг Ява оролига икки метрли тўққинлар ёпирилди.



Дастлабки маълумотларда 80 кишининг қурбон бўлгани хабар қилинди. Улганлар ва бедарак йўқолганлар ҳақида ташкил этилган тезкор штабга бетахтов ахборот келмоқда.

Зилзила натижасида ҳосил бўлган бир метрли тўққин қўмили соҳилларда дам олаётган 60 кишини океанга тортиб кетган ва улар ҳозирча бедарак йўқолган деб ҳисобланапти.

Индонезиянинг базис ОАВда тўққинларнинг баландлиги беш метрдан ортиқ бўлган деган маълумотлар тарқатилган. 10 мингга яқин киши уй-жойларини ташлаб қочган. Зилзила оқибатида содир бўлган тўфон зарар етказган ҳудудларга ҳарбийлар ва кўчарувчилар юборилган.

Зилзила Индонезия пойтахти Жакартада ҳам сезилган. Бу ерда 5 балли ер қимирлаши кузатилган.

Назокат МУХИДДИНОВА,
Асадулла ҲАСАНОВ
тайёрлади

✓ Нигоҳ

ЛИВАН ОСМОНИДА ҚОРА ТҮТҮНЛАР

15 йиллик фуқаролар урушини бошдан кечирган мамлакатда яна бомбалар овози янграмоқда

Мана етти кундирки, Ливан осмонини қора тутун қоплаган. Унда Исроил байроғи аёқ этган қирувчи самолётлар парвоз этмоқда.

Исроил давлати 12 июль кунини Ливан ҳудудига ҳарбий куч ва техника билан кириб келди. Бунга эса «Хизбаллох» гуруҳи томонидан ЦАХАЛ (Исроил армияси) гуруҳига ҳужум уюштирилгани ва икки нафар аскар гаровга олингани сабаб бўлди.

Иккинчи фронт

Ливанда ҳукмрон мавқеда бўлган «Хизбаллох» гуруҳи ўтган ҳафта чегара ҳудудидида Исроил ҳарбий бўлинимасига ҳужум қилди. Ҳужум натижасида бир неча яқудий аскар ҳалок бўлди ва икки нафари гаровга олинди. Ливан халқи бошига катта қуфлат келтираётган воқеалар ана шундан кейин бошланди. Исроил ҳарбий бўлимига уюштирилган ҳужумини бутун давлатга қилинган таҳдид сифатида қабул қилди.

Исроил мудофаа вазири Амир Перец зудлик билан 6 минг кишилик ҳарбий контингентни оёққа турғизди, ҳатто заҳирадаги зобитлар ҳам жангга сафарбар этилди. Исроил томони деярли қундалик одатга айланган ҳужумларни бо сафар жуда жиҳдий қабул қилди. Жиҳдий шў даражада бўлдики, Ливан ҳудудидида «Хизбаллох» гуруҳи қарши операцияларга пиёда қўшинлар, махсус бўлинмалар, бронетехника, артиллерия, авиация, ҳарбий кемалар, кикскаси, замонавий жангда қандай воситалардан фойдаланиш мумкин бўлса, барчаси сафарбар этилди. Исроил Фазо сектори билан бир пайтда Ливанда ҳам иккинчи фронт очди.

**Томонлар нима
истайди?**



«Хизбаллох» гуруҳи икки яқудий аскарини асир олган, уларни Исроил қамқонларидан сақланаётган мусулмон маҳбусларга алмашиш тақдирини илгари сурди. Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт эса «Хизбаллох» гуруҳи раҳбари шайх Ҳасан Насруллоҳ тақдирини кескин рад этди ва террор билан муро-са қилинмаслиги, бу масала фақат қурол билан ҳал этилишини билдирди.

Аслида «Хизбаллох» ва Исроил томони уртасидаги иттилоф бугун ёки кеча пайдо бўлган зиддият эмас. Баъзан қурол, баъзан сўз билан олиб борилаётган кураш илдици анчайин чуқур. Ливандаги шў муаммолардан ташкил топган «Хизбаллох» жанговар гуруҳи Исроил томонини кўпдан бери бошқичилик сибсатида айблайди ва Фаластин ҳудудини ҳақиқий тарихий эгаларига қайтариш, қамқонлардаги «озодлик курашчилари» бўлган мусулмон маҳбусларни озод қилишни талаб қилади. Расмий Қуддус эса бу иддаолар-

ни рад этиб, қамқонлардаги маҳбусларни қурашчиларни «озодлик курашчилари» эмас, «қўли қонга ботган қўпурувчилар» деб ҳисоблайди.

Ўтган таҳликал кунлар давомида Исроил «Хизбаллох»нинг Байрут шаҳрида жойлашган бош қароргоҳи ва унга қарашли бир қанча объектларни бомбардирмон қилди. Шунингдек, жангари гуруҳ томонидан молиялаштириш тахмин қилинадиган Ливаннинг «Ал-Манар» телеканали биноси ҳам ракета ҳужумларида дучор бўлди. Исроил телевидениеси яқшанба кунги бомбардирмонлар пайтида «Хизбаллох» раҳбари шайх Ҳасан Насруллоҳ жароҳатлангани тўғрисида хабар тарқатганди. Бироқ бу хабарларни жангари гуруҳ рад этди.

Ўз навбатида агар Исроил урушини танласа, қутулмаган совғаларга тайёр туриши кераклигини эълон қилган «Хизбаллох» ташкилоти ҳам жаҳоб ҳужумларини амалга оширди. Исроилнинг қатталиги бўйича унинг шаҳри саналган Хайфа (Ливан чегарасидан 30 км масофада жойлашган) «Хизбаллох»нинг асосий нишонини бўлиб қолмоқда. Хуллас, икки томонлама қурбонлар келтираётган қонли уруш давом этмоқда.

Айбисиз... айбдор

Айни пайтда Исроил томони амалга оширилган ҳужум учун «Хизбаллох» билан бирга Ливан ҳукумати ҳам айбланмоқда. Бир қарашда Қуддус ҳукумати билдирганда даъволарда жон боради: «Хизбаллох» жангари гуруҳи Ливанда сиёсий партия сифатида рўйхатдан ҳам ўтган ва боз устига ташкилот вақили ҳукуматдаги вазирик курсидан бирини ҳам эгаллаган. Бироқ вазиятнинг чуқурроқ таҳлил қилганда буткул узага хулосага келиш мумкин.

1975-1990 йилларда давом этган фуқаролар уруши даврида Ливанда турли сиёсий гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун қонли кураш авж олди. Ана шу йилларда «Хизбаллох» гуруҳи пайдо бўлди ва оз фурсат ичида мамлакатдаги йирек ҳарбийлашган ташкилотга айланди. Айни пайтда гуруҳнинг таъсир доираси ва қудрати шў даражага етганки, Ливаннинг жанубий ҳудудлари ва Бекаа водийси бутунлай шайх Ҳасан Насруллоҳ бошқичилигидаги жанговар ташкилот назоратида. Айрим манбаларда «Хизбаллох» жангарилари сони Ливан миллий армиясининг ҳам кўпрок экани айтади. Хуллас, Байрут ҳукумати ўн йиллардан бери мам-

лакатни бирлаштириш ва ҳарбийлашган ташкилот кучини синдиришни уddалай олмапти. Бу вазифа ҳатто амалдаги президент — мамлакат армиясининг «ота»си генерал Эмил Лахуднинг ҳам қўлидан келмапти.

ЛИВАН

Аҳолиси: 3,8 миллион (БМТ маълумоти, 2005)
Пойтахти: Байрут
Майдони: 10452 кв. км
Асосий тили: араб
Асосий динлари: ислом, христианлик
Пул бирлиги: фунт
Асосий экспорт маҳсулотлари: озик-овқат ва тамаки
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромади: 6010 доллар (Жаҳон банки маълумоти, 2006)
Давлат раҳбари: генерал Эмил Лахуд
Ҳукумат бошлиғи: Фуод Синиора

Хозирги вазиятда Ливан халқи ва раҳбарияти чорасиз аҳолга тушиб қолган: айбисиз... айбдор ҳукумат эса на «Хизбаллох»нинг танини тортиб қўя олади, на Исроил ҳужумларини тўхтата олади. Машҳур ва марҳум бош вазири Рафиқ Харирий вафотидан кейин Ливан ҳукумати раҳбарлигига сайланган Фуод Синиора ҳам халқаро ҳам-жамиятчи мамлакатга ёрдамга қақуришдан бошқа амалга қодир эмас.

Ҳакам яна чорасиз

Халқаро можаролар ва ихтилофлар пайтида асосий ҳакам вазифасини бажариши зарур бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ливан фожиаси борасида ҳам жўяли ҳаракат қилмапти. Ташкилот Ливанга ҳужум бошланган илк кунларда Қатар томонидан тақдим этилган Исроил хатти-ҳаракатларини қораловчи резолюция лойиҳасини муҳокама қилди. Ҳар доимидек Исроил сибсатига қарши бўлган лойиҳа АҚШ томонидан рад этилди...

Самарасиз мажлислардан қарчаган Бош қотиб Кофи Аннан Ливанга уч нафар вақилини юборишга қарор қилди. Лекин бутун бошли ҳукуматлар ҳал қилолмаётган муаммонини уч дипломат бартараф этишига ишониб қийин.

Хозирча Ливан ҳукумати га борада очик ёрдам тақлиф этаётган ягона давлат бу — Эрон. Исроил хатти-ҳаракатларини Иккинчи жаҳон уруши давридаги Гитлер боққинларига қисбаётган президент Маҳмуд Ахмадинажот жанг келтирган талафотларни тўлашга ёрдам қилишини айтди.

Шундай портлатгинки...

ҳеч ким зарар кўрмасин!
Ливан масаласида дунёнинг етакчи давлатлари муносабатини кузатганда, қизик манзара гувоҳи бўлиш мумкин. АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Германия каби мамлакатлар ташки сибсат маҳкамаларининг Ливан бўйича билдирилган баёнотларида давлатларнинг аниқ позициясини аниглаб олиш имконсиз. Вашинг-

тон ҳам, Москва ҳам ва Европа етакчилари ҳам на Исроил томонини қўллаб-қувватлайди, на Ливан ёнини олади. Уларнинг муносабати «Ким ҳақ-у, ким ноҳақлигини вақт кўрсатади» деган образли ўрталик қойдасига айнан мос келаети.

Бу борада ташки сибсатида Исроилни дастлаш очик қўринадиган Вашингтоннинг муносабати аниқроқ. Америка президенти Жорж Буш ўз чиқишида «Хизбаллох» гуруҳининг ҳужуми ҳамда гаров ҳодисасини қаттиқ қоралади ва инсоф юзасидан Ливандаги вазиятдан хавотирда эканини ҳам билдириб ўтди. Ок уй етакчисининг хулоса ўрнида Исроилга берган тавсияси ажойиб бўлди: «Туҳуми шундай қовуриш зарурки, туҳум синмасин» деган образли ифода билан президент асосий муддаонин баён қилди-қўйди...

Хозирги вазиятда Ливан халқи ва раҳбарияти чорасиз аҳолга тушиб қолган: айбисиз... айбдор ҳукумат эса на «Хизбаллох»нинг танини тортиб қўя олади, на Исроил ҳужумларини тўхтата олади. Машҳур ва марҳум бош вазири Рафиқ Харирий вафотидан кейин Ливан ҳукумати раҳбарлигига сайланган Фуод Синиора ҳам халқаро ҳам-жамиятчи мамлакатга ёрдамга қақуришдан бошқа амалга қодир эмас.

Хозирча Ливан ҳукумати га борада очик ёрдам тақлиф этаётган ягона давлат бу — Эрон. Исроил хатти-ҳаракатларини Иккинчи жаҳон уруши давридаги Гитлер боққинларига қисбаётган президент Маҳмуд Ахмадинажот жанг келтирган талафотларни тўлашга ёрдам қилишини айтди.

Фуқаролар уруши қайтаптимми?

Исроил ҳарбий кучлари бош қўмондонни Дан Халуц агар «Хизбаллох» томонидан гаровга олинган асирлар зудлик билан қайтаририлмаса, Ливанга 20 йил аввалги тарих қайтарилишини билдирганди. Бир ҳафталик натижалар ҳарқалай қўмондон асоси гагирмаслигини кўрсатди.

Бир ҳафта давомида Ливан шаҳарлари, хусусан, пойтахт Байрут таниб бўлмайдиган даражада ўзгартиб кетди. Шаҳардаги хозирги манзара ҳақиқатан ҳам фуқаролар уруши даврини ёдга солаети.

Исроил томони асосий нишон сифатида «Хизбаллох» қароргоҳи ва унга қарашли объектларни портлаётган бўлса-да, барибир асосий жағдидида ҳар доимидида тинч аҳоли бўлмоқда.

Тинимсиз ракета ҳужумларида пайтида ўнлаб қўриқлар, аҳоли турар-жойлари, хаттоки пойтахт аэропорти учини майдонлари ҳам портлатиб юборилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, тўрт куннинг ичида 100 нафар ливанлик тинч аҳоли ҳалок бўлган, яна 250 дан зиёда жароҳатланган.

Хозирда Ливан бош аэропорти ёпиб қўйилган, мамлакатни қўшни давлатлар билан боғловчи сув йўллари ҳам Исроил кучлари томонидан назорат қилинапти. Хуллас, Ливан ташқи дунёдан бутунлай ўзиб қўйилган. Дунё ҳамжамияти эса воқеалар ривожини кузатиш билан банд.

Собиржон ЁҚУБОВ

Р.С. Вашингтон томони «Шундай портлатгинки... ҳеч ким зарар кўрмасин!» тамойилига содиқ қолган кўринадиган: Қўшма Штатлар яқин кунларда Исроилга 210 миллион долларлик ҳарбий авиация ёнилғисини етказиб бермоқчи. Сотиб олинган ёнилғи эса Ливандаги ҳарбий ҳаво ҳужумларида ишлатилади. Буюк Британия эса Ливан чегара ҳудудидида денгиз қирғоғига иккита йирек кема юборди. Мақсад — Ливандаги уруш янада авж олиб, араб давлатидаги қироллик фуқаролари ҳаёти хавф остида қолса, уларни зудлик билан қўқариш...

МАҚСАДИМИЗ – САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИГА ЭРИШИШ

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият жамиятимиз турли қирраларини қамраб олмақда. Жумладан, мамлакатимизда долзарб масалалардан бири бўлган репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида ННТларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти кўзга ташланмоқда. Мухбиримиз «Аёл ва саломатлик» уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимида бўлиб, бўлим бошлиғи ШОҲИДА ЖУМАЕВА билан сўхбатлашди.

— Шоҳида Чориевна, Сурхондарё вилояти тиббиётчилар тили билан айтганда нисбатан ноқулай минтақда жойлашганлиги сабаб, бу ҳудудда оналик ва болалик, репродуктив саломатлик, умуман аёл ва саломатлик масалаларида ўзига хос муаммолар, қийинчиликлар мавжуд. Ана шундай шартларда «Аёл ва саломатлик» нодавлат — нотижорат ассоциациясининг вилоят бўлими ходимлари олдида қандай вазифалар туради?

— Бўлимимиз 2000 йилнинг апрелида ташкил этилган бўлиб, ўтган олти йиллик фаолиятимиз давомида ўзига хос тажриба, қўшмага эга бўлиб, деля олам. Бўлимимиз ННТ лар тўғрисидаги қонунлар ва йўриқномалар асосида фаолият юритиб, асосан вилоятимиз ҳудудида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишни қўллаётди. Еш хотин-қизларда ва ўсимирларда ўз саломатлигини асраш тушунарларини тарбиялайди, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш учун турли дастурлар тайёрлайди. Соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига оид репродуктив саломатлик ва репродуктив тушунарларни маҳалалар, ўқув юртларида тарғиб қилади, турли семинарлар ташкиллаштирди. Албатта, вилоятнинг ўзига хос минтақавий шартларга эга бўлгани, хусусан аҳолининг ақсарият қисми қишлоқлар, жумладан, олис тоғ қишлоқларида истиқомат қилаётганлигини инобатга олсак, ишимиз ҳар доим ҳам силлиқ кетавермаслигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ биз ана шу шартларда ҳам саноқли ходимлар, ҳамкорларимиз мададига таяниб максимум иш бажаришга ҳаракат қилиб келяпимиз.

— Баъзан олис туманлар, хусусан, олис тоғ қишлоқ хотин-қизлари орасида репродуктив саломатликка бўлган эътибор ҳаминқадар экандек, умуман бу

соҳада ишлар қоғозда қолиб кетаётгандек туюлади.

— Бу фикрингизга қўшила олмаيمان. Эътибор қилган бўлсангиз, мамлакатимизда аёл ва саломатлик, оналар ва болалар муҳофазаси, оила ва никоҳ масалаларига қаратилган Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг бир неча фармон ва қарорлари қабул қилиниб улар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Вилоятда ташкил этилган бир неча ННТ лар, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳокимлик ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари жойларда, айниқса, узоқ тоғ қишлоқлари аҳолиси орасида ушбу қарор ва фармонлар ижросини амалга ошириш учун жуда катта саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Хусусан «Аёл ва саломатлик» нодавлат ташкилотимиз ҳам бу борада тинимсиз ишламоқда. Бу ишда бизга Республика Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлимининг ходимлари, Олий Мажлис депутатлари яқиндан ҳамкорлик қилиб келишади.

— Бироқ уюшманинг х

